

# Тазкия 176-дарс. Аллоҳ мутакаббирларни суймас

**ТАЗКИЯ**  
176-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Тасаввуф ҳақида тасаввур», «Рухий тарбия» 1-2-3-жузи ва «Хислатли ҳикматлар шарҳи» 1-2-3-4-5-жузи китоблари асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.



20:00 / 12.03.2022 2874

Имом Заҳабий ва бошқа уламолар кибрнинг гуноҳи кабира эканини таъкидлаганлар.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида шундай марҳамат қилади:

نَمَنَّاكَ وَرَبَّكَ تَسَاءَوْا بِأَسْيَلِبِ الْإِلٰهِ أُوْدَجَّسَفَ مَدَّالْ أُوْدُجَّسَا ؕ ءَكَلَّالْمَلَلْ أَنْ لُقْ دِإُو  
نَ يَرْفَاكُلْ

«Эсла, фаришталарга: «Одамга сажда қилинглар!» дедик, бас, сажда қилдилар, фақат иблисгина бош тортди, мутакаббирлик қилди ва кофирлардан бўлди» (34-оят).

Қаранг! Мутакаббирлик иблисни куфрга ва Аллоҳ таолонинг лаънатига олиб борди.

Аллоҳ таоло Наҳл сурасида марҳамат қилади:

مَرَجَ أَنْ يُرَبِّكَ تَسْمُ مُمْهُوْ ءَرَكُنُّ مُمْهُوْ لُقْ ءَرَخَ الْبَابَ نُونُ مُمْهُوْ الْ نِي دِلْ أَفْ دِحْ أُوْ ءَلْ إِمُّ كُهُ لْ  
نَ يَرْبِكَ تَسْمُ لْ بَحْيِ الْ ءَلْ نُونُ لْ غِيْ أَمَّوْ نُونُ سُنِّيْ أَمَّ مْلْ غِيْ ءَلْ لْ نَأْ

«Илоҳингиз ягона Илоҳдир. Охиратга иймон келтирмайдиганларнинг қалблари инкор қилувчидир, ўзлари эса мутакаббирдирлар. Ҳеч шубҳасиз, Аллоҳ нимани сир тутаётганларини ҳам, нимани ошкор қилаётганларини





مُهْوَلَعَتِ سَلُوبٌ يَمَسُّي مَنَعَجِي فِي نَجَسِ لِي نُوْقَاسِي فِي نَاكَمِّ لِكْ نَمُّ لِدَلِ اُمُّ هَاشِ عِي  
يَذِمُّرَّتْ اُهَآوَرُ. «لَبَّخُ لَآءِ نِي طِرَانِ لَلِ هَآءِ رَاصُّعُ نَمَ نُوْقَاسِي رَايَ نَأَلِ اُرَانِ

Амр ибн Шуъайбдан, у отасидан, у бобосидан розияллоҳу анҳум ривоят қилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мутакаббирлар қиёмат куни кичик қизил чумоличаларга ўхшаган кишилар суратида ҳашр қилинадилар. Уларни ҳар макондан хорлик қоплаб олган бўлади. Бас, уларни жаҳаннамдаги Буулиса номли қамоққа ҳайдаб борилади. Уларнинг устида оловларнинг олови бўлади. Улар аҳли дўзахнинг йиринги – тийнатул ҳабол ила суғорилади», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

**«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди**